



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 28 апрел Шовот тумани 4-2202-2201/368-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Ҳайитбоев раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салаевнинг котиблигида, Шовот туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти манфатида жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятидан 20.631.000 сўм асосий қарз ва 1.155.336 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) жавобгар вакили [REDACTED] (ишончномага асосан) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти манфатида, Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятидан 20.631.000 сўм асосий қарз ва 1.155.336 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Палата ишни вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили тушунтириш бериб, қарздорлик қопланмаганлигини, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили даъвони тўлиқ тан олишини, асосий қарздорлик ва пеня тез орада қоплаб берилишини билдирди.

Суд, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг даъво аризаси юзасидан тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ҳужжат ва далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти ва [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти ўртасида 2022 йил 2 февраль куни 14-сонли “ғишт махсулотларини” етказиб юзасидан шартнома имзоланган.

Шартнома 1-бандига мувофиқ “даъвогар жавобгарга махсулот етказиб бериши, жавобгар етказиб берилган махсулот ҳаққини тўлаш” мажбуриятини;

Шартнома 4.1-бандига мувофиқ “жавобгар етказиб берилган махсулот ҳаққини 50 % олдиндан ва тегишли ҳисоб фактура тузилганидан сўнг 5 кунлик муддатдан кечикмасдан даъвогарни ҳисоб рақамига ўтказиб бериш” мажбуриятини;



Шартнома 6.2-бандига мувофиқ “шартнома шартлари жавобгар томонидан бажарилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 миқдорида, бироқ бунда пенянинг умумий миқдори 10 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлаши” белгиланган.

Шартномада шартларига кўра даъвогар томонидан жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятига 2022 йил 25 феврал куни 14/1-сонли электрон счёт-фактура орқали жами 20.631.000 сўмлик махсулот етказиб берилган.

Бироқ, жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти олинган махсулот ҳаққини қопламаганлиги натижасида 2022 йил 25 феврал ҳолатига жами 20.631.000 сўм қарздорлик юзага келган.

Натижада ушбу низо келиб чиққан.

Даъвогар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятининг қарздорликни ихтиёрий қоплаш юзасидан 18.03.2022 йилдаги талабнома хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Буни оқибатида, даъвогар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъво талаби асосли.

Чунки, тарафлар ўртасида имзоланган шартномага кўра жавобгарга юқоридаги тегишли электрон счёт-фактуралар орқали махсулот етказиб берилган бўлсада 20.631.000 сўмлик қарздорлик қопланмаган.

Мазкур ҳолатда мажбуриятлар тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномадан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Кейинчалик - ЎЗР ФКнинг) 234-моддаси 2-хатбошисида мажбуриятлар–шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши назарда тутилган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Суд, юқоридагиларга асосан даъво талабининг асосий қарздорлик қисми ишга тақдим қилинган тегишли счёт-фактуралар ва тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ исботини топганлиги учун тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Бундан ташқари даъвогар ўзининг даъво талабидан тарафлар ўртасида имзоланган шартноманинг жавобгар томонидан лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан жавобгардан 1.155.336 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 261-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.



Мажбуриятлар бўйича қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг қарздорда мавжуд эмаслиги, унинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни ёки қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада келишилган неустойкаларни тўлашдан озод этиш учун асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асосан қардор айби булган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик учун фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги 163-сонли қарорининг 2-бандида судларга шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши;

Судлар, неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги бўйича тушунтириш берилган.

Қайд қилинганларга асосланган ҳолда суд, даъвогарнинг пеня ундириш ҳақидаги талабини ҳам тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Юқорида баён қилинганларга асосан суд даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи тўлови, почта харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68,118,176,177,179- моддаларини қўллаб,

қ а р о р қ и л д и :

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятидан даъвогар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамияти фойдасига 20.631.000 сўм асосий қарздорлик, 1.155.336 сўм пеня, олдиндан тўланган 21.600 сўм почта харажати жами 21.807.936 сўм ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] маъсулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 435.726.7 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори бир ой муддат ўтгач қонуний кучга кириши қайд қилинсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Судья

Б.Ҳайитбоев

